

МАҲАЛЛИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВ

Акбар Абдухамидович Махмудов

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Мақолада олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни шакллантириш ва бошқариш механизмини такомиллаштириш масалаларига назарий ёндашув амалга оширилган. Шунингдек, олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқариш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий муносабатлар мажмуаси баён этилган.

Калит сўзлар: олий таълим муассасаси, молиялаштириш, молиявий механизм, таълим хизматлари бозори, бюджетлаштириш, молиявий ресурслар, инвестицион инструмент, краудфандинг, харажатлар маркази, бюджет бирлиги.

THEORETICAL APPROACH TO FINANCIAL RESOURCES MANAGEMENT IN LOCAL HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

ABSTRACT

The article provides a theoretical approach to improving the mechanism of formation and management of financial resources in higher education institutions. A set of economic and social relations related to the improvement of financial resource management mechanisms in higher education institutions is also described.

Keywords: higher education institution, financing, financial mechanism, educational services market, budgeting, financial resources, investment instrument, crowdfunding, cost center, budget unit.

КИРИШ

Бугунги кунда деярли барча ривожланган мамлакатларда узлуксиз таълим (life-long learning) тизимини шакллантириш дастурларини амалга

ошириш борасида сезиларли муваффақиятларга эришилмоқда. Мазкур дастурларга истиқомат қилувчи иқтисодий фаол аҳолининг 60–70 фоизи жалб этилиши таъминланган. Бунда таълим тизими, хусусан, олий таълим тизимини ОТМни молиялаштириш механизмларининг оптимал ҳолда ишлаши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда олий таълим тизимини 2017–2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланган. Олий таълим муассасаларида таълим даражасини сифат жиҳатдан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда олий таълим муассасаларини молиялаштириш механизмларини оптималлаштириш, шунингдек, муассасалар ихтиёридаги молиявий ресурсларни самарали бошқариш ва уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал этиш лозим. Уларнинг асосийлари сифатида олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқариш тизимини шакллантиришнинг асосий мезонлари, вазифалари ва тамойилларини аниқлаш, бу муассасаларнинг молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш, олий таълим муассасалари билан иш берувчилар ўртасида ўзаро алоқадорликни таъминлашнинг молиявий усулларини такомиллаштириш, таълим хизматлари бозорида молиявий ресурсларни бошқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш каби муаммоларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Олий таълим муассасаларини молиялаштириш манбалари ва улар фаолиятини ислоҳ этиш масалалари К.Хеброн, Ф.Уилсон, Д.Уотсон, Б.Берендт, Г.Нив, Т.Шевалье каби олимлар томонидан тадқиқ этилган. Олий малакали мутахассисларни тайёрлашда нодавлат олий таълим муассасаларининг ролини ошириш бўйича Т.Юрьев, Н.Лукин, Л.Афанасьев, А.Суворов, В.Ерохин, О.Моженко ва бошқалар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим хизматлари бозорида менежмент ва маркетинг масалаларига бағишланган илмий тадқиқот ишлари


С.С. Ғуломов, Қ.Х. Абдурахмонов, Б.Ю. Ходиев, А.Ш. Бекмуродов, М.Х. Саидов, М.Л. Турсунходжаев, М.С. Қосимова, М.А. Насритдинова, А.Ф. Расулов, Д.Н. Сагдуллаев, А.О. Очилов, Б.Т. Усмонов, О.С. Қаҳҳоров, Н.Р. Шаропова, Г.С. Саъдуллаевалар томонидан бажарилган. Қайд этилган илмий тадқиқотларда таълим хизматлари бозорининг моҳияти, шаклланиши, тартибга солиш механизмлари ва йўналишлари атрофлича ёритилган. Аммо, олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқариш механизмларини такомиллаштириш орқали мазкур муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида батафсил тадқиқ этилмаган.

Мазкур тадқиқот ишида объективлик тамойили, кузатиш, статистик гуруҳлаш, таққослаш, тизимли таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш усулларидадан фойдаланилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Илмий манбаларда “молиявий механизм” тушунчасининг талқин этилиши бўйича турлича ёндашувлар мавжуд. Улар моҳиятан олганда бири-бирдан фарқланса-да, алоҳида олинган жиҳатлар бўйича умумий хусусиятларга эга. Бу ёндошувларга кўра, молиявий механизм хўжалик механизмининг таркибий қисми; молиявий муносабатларнинг шакллари, турлари ва усуллари жамланмасидир, шунингдек, назармизча, энг муҳим жиҳат – молиявий механизм белгиланган мақсадга эришиш учун молиявий ресурсларни ҳаракатга келтирувчи воситадир.

Амалга оширилган тадқиқотлар олий таълим муассасаларининг “молиявий бошқарув механизми” тушунчасини талқин этиш юзасидан муаллифлик ёндашувини ишлаб чиқиш имкониятини беради (1-расмга қаранг). Фикримизча, олий таълим муассасалари молиявий ресурсларини бошқариш механизми – давлат ва жамият томонидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасидаги фаолиятни ташкил этиш ва олиб бориш механизмининг таркибий қисми бўлиб, стратегик ва тактик мақсадларни амалга оширишга қаратилган молиявий ресурсларни шакллантириш ва сарфлашга доир молиявий муносабатларни ташкил этиш шакллари, турлари ва усуллари жамланмасидир.



1-расм. Олий таълим муассасалари молиявий ресурсларини бошқариш механизмининг таркибий тузилмаси (муаллиф ишланмаси)

Мазкур тузилмада ҳуқуқий, меъёрий таъминот ва ахборот таъминоти тизимлари, шунингдек, ички молиявий механизмни бошқариш элементлари (молиявий усуллар ва молиявий таъсир воситалари) акс эттирилган. Бунда молиявий таъсир усуллари деганда молиявий ресурсларни шакллантириш ва ишлатиш жараёнига таъсир этиш воситалар назарда тутилади. Улар жумласига молиявий режалаштириш, молиявий ҳисоб, молиявий таҳлил, молиявий тартибга солиш ва назоратни киритиш мумкин.


Фикримизча, молиявий ресурсларни бошқариш механизми таркибига олинган натижаларни ифодаловчи элементлар жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, етакчи хорижий олий таълим муассасаларида бюджетлаштириш тамойилларига асосланган молиявий ресурсларни бошқаришнинг қуйидаги икки асосий тизими қўлланилади:

- 1) марказлаштирилган;
- 2) марказлашмаган.

Молиявий ресурсларни бошқаришнинг марказлаштирилган тизимида таълим тизими таркибий бўлинмалари ўртасида маблағлар қатъий ўрнатилиши орқали олий даражада (олий таълим миқёсида) бюджет шакллантирилади. Марказлашмаган тизимда бюджетларни шакллантириш жараёни таркибий

бўлинмаларда бошланади ва мазкур йўналишда таркибий бўлинмаларга катта ваколатлар берилган.



2-расм. Бюджетлаштиришнинг марказлашмаган тизимида ОТМнинг молиявий ресурслари ҳаракати (муаллиф ишланмаси)

Кенг қамровли тадқиқотларимизга асосланиб, бюджетлаштиришнинг марказлаштирилмаган тизимида асосий бирликлар сифатида, қуйидагиларни олиш мақсадга мувофиқдир:

- **харажатлар маркази** (cost center) (мазкур марказларда кам миқдордаги даромадлар шакллантирилади ёки фақат харажатлар моддалари мавжуд);

- **бюджет бирлиги** (budget unit) ёки даромад маркази (profitcenter) (бюджет бирлиги асосий қисм даромадларни шакллантиради ва даромадлардан кам миқдордаги харажатларни амалга оширади) (2-расмга қаранг).

Бунда харажатлар маркази молиявий ресурсларга бўлган талаб режасини белгилаб беради. Молиявий департамент ва ОТМ олий молиявий органлари даражасида харажат марказлари молиявий харажатлари бюджет бирликлари бўйича тақсимланади ва билвосита харажатлар сметаси кўринишига келтирилади.



3-расм. Краудфандинг технологиялари асосида ОТМда қўшимча молиявий ресурсларни шакллантириш механизми (муаллиф ишланмаси)

Етакчи хорижий олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган лойиҳаларни (шу жумладан, инновацион технологиялар ва тадқиқотлар, технологиялар трансфери, ижтимоий лойиҳалар) молиялаштиришнинг янги инвестицион инструменти сифатида **“Краудфандинг”** технологиясини алоҳида қайд этиш мумкин. Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида краудфандинг технологияларидан фойдаланган ҳолда биринчи навбатда, ёш олимлар ва иқтидорли талабалар томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш учун махсус фондлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ (3-расмга қаранг).

Мазкур инвестицион инструментнинг таълим соҳасида қўлланилиши истиқболли йўналишлардан бири эканлиги кўплаб илмий ва амалий манбаларда эътироф этилган. Олимларнинг эътироф этишларича, жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг 45 дан ортиқ университетларида **“Краудфандинг”** технологиясидан фойдаланиш амалиёти қўлланиб келинмоқда. Республикамиз олий таълим муассасаларида қўшимча молиявий ресурсларни жалб этиш бўйича кузатилаётган муаммоларни бартараф этишда, фикримизча, **“Краудфандинг”** технологиясидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Илмий натижаларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқот ишида шакллантирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар олий таълим

муассасаларида молиявий ресурсларни бошқариш механизмини такомиллаштиришда муайян аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

1. Илмий ва амалий манбаларда ОТМ молиявий ресурсларини бошқариш тизими таркибида ҳуқуқий, меъёрий ва ахборот таъминот тизимлари, шунингдек, ички молия механизмларини бошқариш элементлари акс этирилган. Улар жумласига молиявий режалаштириш, молиявий ҳисоб, молиявий таҳлил, молиявий тартибга солиш ва назоратни киритиш мумкин. Фикримизча, қайд этилган таркибий элементлар молиявий бошқарув механизмининг олинган натижаларини ифодаловчи элементлар билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ. Бундай элементлар жумласига молиявий муносабатлар (кредитлаш, солиққа тортиш, лизинг, инвестициялар ва ҳ.к.) ва молиявий самарадорлик кўрсаткичлари киритилиши муҳим аҳамият касб этади.

2. Олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқариш механизмини такомиллаштириш мақсадида ОТМ молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини жорий этиш молиявий ресурсларнинг оқилона сарфланишини таъминлайди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ – 2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/docs/3171590>
2. Mahmudov A.A. (2018) Peculiarities of financing higher educational institutions at the expense of public funds. *International Journal of Research (IJR)*. Vol. V, Issue 20, September 2018. 575-587 P. // <https://journals.pen2print.org/index.php/ijr/article/view/16218/15831>
3. Махмудов А.А. (2019) Олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқариш механизмини такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... диссертация автореферати: 08.00.07. Тошкент. 45 б.
4. Моженко О.В. (2014) Применение современных финансовых механизмов развития деятельности вузов в условиях глобализации. *Экономика и управление*. № 4. С. 87-90.